

«Guliston Ekstrakt Yog`» ОАЖ 2013 йил якунлари бўйича
навбатдаги умумий акциядорлар йиғилиши

БАЁНИ

Гулистон шаҳар

16 май 2014 йил

Жамият Низом жамғармаси: – 740 595,0 минг сўм.

Бир дона акциянинг номинал қиймати: - 1500 сўм.

Умумий акциялар сони: – 493 730 дона.

Умумий овоз бериш ҳуқуқига эга акциялар сони: – 488 584 дона.

Йиғилиш раиси: М.М.Мирзаев – Давлатнинг ишончли вакили.

Йиғилиш котиби: Ч.А.Джанибеков.

«Guliston Ekstrakt Yog`» ОАЖ 2013 йил якунлари бўйича навбатдаги умумий акциядорлар йиғилишида 355 377 дона овоз бериш ҳуқуқига эга акционерлар иштирок этишди, йиғилиш қворуми 72.74 фоиз.

КУН ТАРТИБИ

1. Жамият Кузатув кенгашини ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Жамият бошқарув раисининг 2013 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи.
3. «Guliston Ekstrakt Yog`» ОАЖнинг бошқарув раиси билан кузатув кенгаши ўртасида тузилган шартнома муддатини бир йилга узайтириш ёки бекор қилиш.
4. Жамиятнинг 2014 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2013 йил якуни бўйича бухгалтерия балансини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2011 йил ва 2013 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш, дивиденд миқдорини белгилаш.
7. Жамиятнинг 2013 йил молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик текшируви хулосасини тасдиқлаш.
8. 2014 йилга жамият аудиторини тайинлаш ва аудитор хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
9. Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини таркибини кўриб чиқиш ва сайлаш.
10. Кузатув кенгаш аъзолари вазифаларини бажариб турган даврида бадал тўлаш ва унинг миқдорини белгилаш.
11. 2010 йил 5 июлдаги акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибидаги учинчи масалани ва 2010 йил 15 июлдаги кузатув кенгаш йиғилиш қарорини кўриб чиқиш.
12. Бўш турган фойдаланилмаётган асосий воситаларини белгиланган тартибда сотиш.
13. Жамият томонидан кредит олиш, хомийлик кўрсатиш тартибини тасдиқлаш.
14. Жамият қошида очилган биолобараторияни МЧЖ га айлантириш.

Навбатдаги умумий акциядорлар йиғилиши бошланишидан олдин санок комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда бир овоздан сайланди:

Санок комиссияси раиси;

Ч.А.Джанибеков- жамиятда қимматли қоғозлар мутахассиси.

Аъзолари;

Бозорбоев Мурод – жамиятда фуқаролар муҳофазаси муҳандиси.

Каримов Руслан – Бош ҳисобчи ўринбосари.

1. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича, Жамият Кузатув кенгаши раиси К.Эрназаров сўзга чиқиб Кузатув кенгашининг 2013 йил якуни бўйича хисоботи тингланди. *(хисобот илова қилинади)*.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ: Жамият Кузатув кенгашининг 2013 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ҳақидаги хисоботи қоникарли деб топилсин.

Овоз бериш натижалари:
Ёқлайман – 349 730 Қаршиман – йуқ Бетарафман – 4 376

2. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича, Жамият директори А.Низамов сўзга чиқиб 2013 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича хисоботи тингланди. *(хисобот илова қилинади)*.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ: Жамият директорининг 2013 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича хисоботи қоникарли деб топилсин.

Овоз бериш натижалари:
Ёқлайман – 349 730 Қаршиман – йуқ Бетарафман – 4 376

3. Кун тартибидаги учинчи масала бўйича, Кузатув кенгаши раиси К.Эрназаров сўзга чиқиб жамият директори вазифасини бажарувчи А.Низамовнинг 2013 йил мобайнида бажарган ишлари ва 2014 йилда амалга оширадиган режалари билан йиғилиш қатнашчиларини тўлиқ таништирди ва Жамият директори А.А.Низомов билан 1 йил муддатга меҳнат шартномасини тузишга таклифини киритди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ: Жамият директори А.А.Низомов билан 1 йил муддатга жамият директори лавозимига тайинлансин ва меҳнат шартномаси тузилсин.

Овоз бериш натижалари:
Ёқлайман – 349 730 Қаршиман – йуқ Бетарафман – 4 376

4. Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича, жамият Режа ва иқтисод бўлими бошлиғи Э.Хусанбоев сўзга чиқиб жамиятнинг 2014 йилга мўлжалланган Бизнес режаси билан тўлиқ таништирди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ: Умумий йиғилиш овоз бериш йўли билан жамиятнинг 2014 йилга мўлжалланган Бизнес режаси қоникарли деб топилсин.

Овоз бериш натижалари:
Ёқлайман – 354 068 Қаршиман – 38 Бетарафман – йуқ

5. Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича, Жамият Бош хисобчиси Б.Тайилов сўзга чиқиб 2013 йил якуни бўйича бухгалтерия баланс ва молиявий натижалар кўрсаткичларини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. *(йиллик бухгалтерия балансига асосан)*.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ: «Дипломат Аудит» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2013 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига ижобий хулоса берилганлиги сабабли йиллик бухгалтерия баланси (170 354.0 минг сўм соф фойда билан яқунланган) қоникарли деб топилсин.

Овоз бериш натижалари:
Ёқлайман – 349 730 Қаршиман – йуқ Бетарафман – 4 376

6. Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича, йиғилиш раиси М.М.Мирзаев сўзга чиқиб 2011 йил якуни бўйича жамият бухгалтерия балансида қайд этилган 30 757 000 сўмлик соф фойданинг 5 %ини яъни 1 537 850 сўмини жамият захира капиталига, 45% ини яъни 13 839 252 сўмини (бир дона акцияга 28 сўм 3 тийин) дивиденд тўлашга, 50%ини яъни 15 379 898 сўмини жамиятнинг ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантиришга йўналтирилишини таклиф қилди.

2013 йил якуни бўйича жамият бухгалтерия балансида қайд этилган 170 354 000 сўмлик соф фойданинг 5 %ини яъни 8 517 700 сўмини жамият захира капиталига, 45% ини яъни 76 656 520 сўмини (бир дона акцияга 155 сўм 26 тийин) дивиденд тўлашга, 50%ини яъни 85 179 780 сўмини жамиятнинг ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантиришга йўналтирилишини таклиф қилди.

Бу таклифни умумий йиғилиш овоз бериш йўли билан қуйидагича мақуллади.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 730

Қаршиман – йўқ

Бетарафман – 4 376

7. Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича, «Дипломат аудит» МЧЖ Аудиторлик ташкилоти аудитори А.Эрназаров сўзга чиқиб 2013 йил якуни бўйича «Дипломат аудит» МЧЖ Аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2013 йил молиявий-хўжалик фаолияти тўлиқ текширилиб ижобий хулоса берганлигини такидлаб ўтди. «Дипломат Аудит» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2013 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига ижобий хулосаси қониқарли деб топилсин. *(аудиторлик ташкилоти хулосасига асосан).*

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 730

Қаршиман – йўқ

Бетарафман – 4 376

8. Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича, Жамият Бош ҳисобчиси Б.Тайиров сўзга чиқиб, 2014 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича «Buxgalter Audid» МЧЖ Аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшириш ишлари 10 000 000 (Ўн миллион) сўмлик таклиф қилинган.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ: «Buxgalter Audid» МЧЖ Аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2014 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари аудиторлик текшириш ишларига 7 000 000 (Етти миллион) сўм миқдорида ҳақ тулаш мақуullanсин. Бу таклиф умумий йиғилиш томонидан овоз бериш йўли қуйидагича тасдиқланди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 730

Қаршиман – йўқ

Бетарафман – 4 376

9. Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича, йиғилиш раиси М.М.Мирзаев сўзга чиқиб Тафтиш комиссиясига ва Кузатув кенгаши аъзоллигига таклиф қилинганлар рўйхати билан таништирди. Бу рўйхат бўйича тақдим қилинган номзодлар қуйидагича овоз бериш йўли билан сайланди.

Овоз бериш натижалари:

	Ёқлайман	Қаршиман	Бетарафман
Тафтиш комиссияси аъзоларини таркибини кўриб чиқиш ва сайлаш.			
Исаев.М - Хусусийлаштириш монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси Бўлим бошлиғи	351 762	-	-
Умматов.Б - Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси бош мутахассиси	349 132	-	-

Раупов.А - Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси етакчи мутахассиси	852	-	-
Суюнов.Б - Давлат активларини бошқариш маркази бўлим бошлиғи	348 762	-	-
Хатамов.И - Сирдарё рақобат бошқармаси бўлим бошлиғи	3 058	-	-

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини таркибини кўриб чиқиш ва сайлаш.	Ёқлайман	Қаршиман	Бетарафман
Мирзаев.М - Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари	Давлат ишочли вакили		
Химматов.А - Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси раиси ўринбосари	349 730	-	-
Шадмановкулов.Ш - Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг бошқарма бошлиғи ўринбосари	349 730	-	-
Хусанов.В - Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раиси ўринбосари	349 506	-	-
Каримов.А - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқарма бошлиғи	349 506	-	-
Холикназаров.О - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари	349 730	-	-
Эрназаров.К - Сирдарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи	349 730	-	-
Холбоев. - Ш Хусусийлаштириш монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари	1 712	-	-
Қулматов.Ш - Хусусийлаштириш монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Бошқармаси бошлиғи	11 096	-	-
Тулаганов.Д Нафақахўр	348 242	-	-
Акилханов.О Туркистон Инвест ОАЖ вакили	378 242	-	-

10. Кун тартибидаги унингчи масала бўйича, йиғилиш раиси М.М.Мирзаев сўзга чиқиб, Кузатув кенгаш аъзолари вазифаларини бажариб турган даврида 1 йиллик маоши 15 минимал иш ҳақи миқдорида белгилашни таклифини киритди.

Кун тартибидаги унингчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ: Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган аъзоларига 1 йиллик маоши 15 минимал иш ҳақи миқдорида белгилансин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 512

Қаршиман – йуқ

Бетарафман – 4 376

11. Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича, Жамият бош ҳуқуқшуноси Р.Давидов сўзга чиқиб 2010 йил 5 июлдаги акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибидаги учинчи масала ва 2010 йил 15 июлдаги кузатув кенгаш йиғилиш қарори билан қатнашчиларини тўлиқ таништирди.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ: 2010 йил 5 июлдаги акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибидаги учинчи масала, 2010 йил 15 июлдаги кузатув кенгаш йиғилиш қарори бекор қилинсин ва «Guliston Ekstrakt Yog`» ОАЖнинг устав капиталидаги давлат улуши 58.9 % миқдорида эканлиги белгилаб қўйилсин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 512

Қаршиман – 4 376

Бетарафман – йуқ

12. Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича, Жамият бош ҳуқуқшуноси Р.Давидов сўзга чиқиб жамият балансида бўш турган фойдаланилмаётган Янгиер шаҳар, Шодлик маҳалласи, Янгиер кўчасида жойлашган Савдо дукони биноси, Гулистон шаҳар, А.Яссавий кучаси, Янги бозор ҳудудида жойлашган Савдо дукони биноси ва Мирзаобод тумани, Бирлашган ҚФЙ, Пиллакор қўрғонида жойлашган “Идора ва ёрдамчи бино”лар таркибини ва мустақил баҳоловчилар томонидан асосий воситаларни бозор нарҳини аниқлаш бўйича тайёрлаган баҳолаш ҳисоботлари қатнашчиларига таништирди.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ: Жамият балансида юқорида кўрсатиб ўтилган бўш турган фойдаланилмаётган асосий воситалар белгиланган тартибда сотишга Хусусийлаштириш монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Сирдарё Бошқармаси розилиги олинсин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 512

Қаршиман – 4 376

Бетарафман – йуқ

13. Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича, Жамият бош ҳуқуқшуноси Р.Давидов сўзга чиқиб, жамият томонидан кредит олиш ва хомийлик кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низомни қатнашчиларга таништирди.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ: Жамият томонидан айланма маблағларни тўлдириш, асосий воситалар сотиб олиш ва асосий фаолиятни модернизациялашга тижорат банкларда жамият асосий воситаларини, бино-иншоатларини гаровга қўйган ҳолда кредит маблағларини Кузатув кенгашидан руҳсат олмай охириги ҳисобот санасига баланс Активини 15%дан ошмаган миқдорда кредит олишга ҳақли.

Жамият ижро этувчи органи томонидан хомийлик кўрсатиш фақатгина акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган бизнес режага асосан кўрсатилади.

Истисно тариқасида хомийлик кўрсатиш фақатгина Кузатув кенгаши раиси томонидан ёзма руҳсати асосида амалга оширилади.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 512

Қаршиман – 4 376

Бетарафман – йуқ

14. Кун тартибидаги ун тўртинчи масала бўйича, Режа ва иқтисод бўлими бошлиғи Э.Хусанбоев сўзга чиқиб, Жамият қошида очилган биолобаратория цехини МЧЖ га айлантириш тўғрисидаги ҳисоботи ва бизнес-режасини қатнашчиларга таништирди.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ: Жамият қошида очилган биолобаратория цехи Маъсуляти Чекланган Жамиятга айлантириш мақуллансин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 512

Қаршиман – 4 376

Бетарафман – йуқ

Ушбу баённома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси йиғилиш раисида, иккинчи нусхаси жамият қимматли қоғозлар мутахассисида сақланади.

Хар иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.